

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PHD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

АБДУВАХИДОВ МУТАХХИРХОН МУБОШИРОВИЧ

**АРРАЛИ ИШЧИ ОРГАНЛАРНИНГ ЭГИЛИШ БИКРЛИГИНИ
АНИҚЛАШ МАСАЛАЛАРИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ**

**05.02.03 – Технологик машиналар, роботлар, мехатроника ва
робототехника тизимлари**

АВТОРЕФЕРАТИ

Наманган – 2021 йил

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам
Contents of distertation abstract of doctor philosophy (PhD)
Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
on technical sciences**

Абдувахидов Мутаххирхон Мубоширович Аррали ишчи органларнинг эгилиш бикрлигини аниқлаш масалаларини тадқиқ қилиш.....	5
Абдувахидов Мутаххирхон Мубоширович Исследование вопросов определения параметров изгибной жесткости пильных рабочих органов.....	23
Abdovakhidov Mutakhhirkhon Muboshirovich Investigation of the issues of determining the parameters of the bending stiffness of saw working bodies.....	43
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	48

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PHD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

АБДУВАХИДОВ МУТАХХИРХОН МУБОШИРОВИЧ

**АРРАЛИ ИШЧИ ОРГАНЛАРНИНГ ЭГИЛИШ БИКРЛИГИНИ
АНИҚЛАШ МАСАЛАЛАРИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ**

**05.02.03 – Технологик машиналар, роботлар, мехатроника ва
робототехника тизимлари**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси

АВТОРЕФЕРАТИ

Наманган – 2021 йил

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/T1435 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Наманган муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.nammti.uz) ва Ziyonet Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мурадов Рустам Мурадович,
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Саримсақов Олимжон Шарипжанович
техника фанлари доктори, профессор

Бобоматов Абдугани Хусанович
PhD, доцент НамМҚИ

Етакчи ташкилот:

Фарғона политехника институти

Диссертация ҳимояси Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.T.66.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «18» декабр соат 9⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160115, Наманган шаҳри, Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел.: (69) 225-10-07, факс: (69) 228-76-75, e-mail: nei_info@edu.uz, Наманган муҳандислик-технология институти маъмурий биноси, 1-кават, кичик мажлислар зали).

Диссертация билан Наманган муҳандислик-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (429-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел.: (69) 225-10-07))

Диссертация автореферати 2021 йил «7» декабр куни тарқатилди.
(2021 йил «18» декабрдаги 54-рақамли реестр баённомаси).



Х.Т.Азмедходжаев

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси ўринбосари, т.ф.д., профессор

Х.Т.Бобожинов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

Қ.Холиков

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д.
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда аррали ишчи органларнинг бикрлик масалаларини ҳал қилиш пахта тозалаш, тўқимачилик ва енгил саноат тармоқларида алоҳида долзарб бўлиб, илғор илмий изланишлар ва конструкторлик –тажрибавий ишланмаларни қўллаш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. Дунё миқёсида 23,0 млн. тоннага яқин пахта толаси ишлаб-чиқарилаётган бўлиб, унинг талаби эса 24,6 млн. тоннани ташкил этишини ҳисобга олсак¹, етиштирилган пахта хом ашёсидан сифатли тола ажратиб оладиган машиналарни амалиётга жорий этишни тақозо этади. Дунё миқёсида пахтага дастлабки ишлов бериш жараёнида кенг қўлланиладиган аррали жин машиналарини техника ва технологияларини такомиллаштириш натижасида жиҳозларни иш унумдорлигини ошириш, пахтани тозалаш самарадорлигини яхшилаш, ишлаб чиқарилаётган тола, чигит ва момиқнинг сифатини оширувчи техникаларни янгилаш борасида кенг қўламда ишлар олиб борилмоқда. Шу жиҳатдан тола ишлаб чиқаришда сифати юқори ҳамда энергия-ресурстежамкор техника воситалари ва қурилмаларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда жинлаш жараёнида толани ажратиб олиш учун ресурстежамкор технологиялар ва техника воситаларининг янги илмий-техникавий ечимларини ишлаб-чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, аррали жинлар пахта тозалаш корхоналарининг асосий технологик жиҳози бўлгани учун уларга кўп эътибор берилади. Бунда илмий тадқиқотларнинг асосий йўналиши қилиб аррали жин ишлаш эффективлиги, жиҳозларни ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш, ресурстежамкор технологиялардан фойдаланиш, лойиҳалаш жараёнларида ИТ-технологияларни қўллаш ҳисобланади. Ресурстежаш ва атроф муҳитни сақлаш, толанинг табиий сифатларини максимал сақлаш, энергия истеъмолини камайтириш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Бизнинг республикамызда пахта тозалаш корхоналари учун ишлаб чиқарилаётган технологик машиналарни рақобатбардошлиги даражасининг ўсиши фақат тегишли технологик ускуналардан фойдаланган ҳолда янги прогрессив технологик жараёнларни қўллаш орқали мумкинлиги ва уларнинг конструкциясини ривожланиши янги талабларга мувофиқлиги бўйича назарий ва амалий тадқиқотлар ўтказиш юзасидан кенг қамровли чоратadbирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида жумладан: «...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ресурс ва энергия сарфини камайтириш, энергияни асровчи технологияларни кенг қўллаш...»² бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда,

¹ Cotton: WorldStatistics. <https://www.statista.com>; <http://www.ICAC.org>.

² O'zbekisto Respublikasi Prezidentining 2017 uil 7 fevraldagi PF-4947-son "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi Farmoni.

жумладан эксплуатация жараёнида бикрлик кўрсаткичларини яхшилаш ва лойиҳалаш жараёнида назарий аниқлаш имконини берувчи, толанинг табиий сифатларини максимал сақлаган ҳолда вибрация ва шовқинни камайтириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон республикаси президентининг 7.02.2017 йилдаги ПФ – 4947 рақамли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 28.11.2017 йилдаги ПҚ -4408 рақамли «Пахтачилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва 05.05.2020 йилдаги ПФ-5989 рақамли «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини кўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонларида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада ҳизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Аррали жин ишчи органлари конструкциясини такомиллаштириш, ресурстежамкорлигини, ишлаб-чиқариш унумдорлигини, ишчи органларни ва юритмани мустаҳкамлигини ошириш ва сифатли маҳсулот олиш билан ҳорижда E. Whitney (АҚШ), S.Z.Hall (АҚШ), T.Elliot (АҚШ), S.E.Hughs (АҚШ), R.N.Rakoff (АҚШ), A.V.Stanley (АҚШ), R.G.Hardin (АҚШ), P.A.Funk (АҚШ) ва бошқалар шуғулланишган.

Бизнинг республикамизда аррали жин иш унумдорлигини ошириш ва ишчи органлар, ресурстежамкор узеллар билан таъминлаш, эксплуатация жараёнида энергия сарфини камайтириш бўйича тадқиқотлар Р.Г.Маҳкамов, И.Т.Мақсудов, А.Е.Лугачев, М.Тиллаев, М.Агзамов, Б.М.Мардонов, Н.З.Камолов, А.П.Парпиев, А.Х.Ахмедходжаев, А.Джураев, Р.Муродов, Р.Сулаймонов, О.Саримсақов, К.Собиров, И.Собиров, Ш.П.Алимухамедов, Д.Муҳаммадиев, С.З.Юнусов ва бошқа кўплаб олимлар томонидан бажарилган.

Жинларнинг аррали цилиндрлари бўйича олиб борилган тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатдики, тадқиқотлар асосан жинлаш жараёни, арра диски, колосниклари ва иш камерасининг геометриясини такомиллаштириш, шунингдек, технологик жараён параметрлари бўйича олиб борилган. Бироқ, арра цилиндрларини конструкциясини такомиллаштириш, уларнинг бикрлик ва мустаҳкамлик параметрларини ҳамда эксплуатация пайтида ишончлилигини аниқлаш ва асослаш масалалари назарий ва экспериментал тадқиқотлар етарлича ўтказилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Наманган муҳандислик-технология институти илмий тадқиқот ишлари режасининг И-2012-14 «Аррали жин

таъминлашни ростлаш тизимини такомиллаштириш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш» мавзусидаги амалий лойиҳа ҳамда “Технологик машина ва жиҳозлар” кафедрасининг илмий тадқиқотлар режасидаги мавзулар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Пахта тозалаш машиналарининг аррали ишчи органларини эгилишдаги бикрлик параметрларини ҳисоблаш усулини ишлаб чиқиш, ҳамда аррали жин цилиндри арра ва қистирмалар тахлами элементларидан фойдаланиб улар орасидаги ишқаланиш кучининг камайтириш ва маҳсулот сифатини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Яхлит жисм сифатида ишловчи, арра ва қистирмалардан иборат бўлган, бўйлама куч таъсирида сиқилган пакетнинг эгилишга бикрлигини назарий тадқиқ қилиш.

Аррали ишчи орган арра ва қистирмалар пакети эгилиш бикрлигини экспериментал аниқлаш услубини ишлаб чиқиш.

Таркибида арра ва қистирмалар пакети бўлган аррали цилиндрнинг эгилиш бикрлигига эгилишга ишловчи вал, элементлар сони, ишқаланиш кучлари ва бўйлама деформацияларни тадқиқ қилиш.

Жин аррали цилиндри бикрлик параметрларига конструктив ва эксплуатацион факторлар таъсир функциясини аниқлаш.

Назарий ва экспериментал тадқиқотлар натижаларини қўллаш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Аррали цилиндрларнинг элементларини енгиллаштириш орқали унинг конструкциясини такомиллаштириш ва инерция моментини аниқлаш.

Тадқиқот объекти сифатида эгилиш бикрлиги оширилган тола ажратгич аррали цилиндри олинган.

Тадқиқотнинг предмети аррали ишчи органларининг бикрлик параметрларини тадқиқ қилиш воситалари ва усуллари, соzланувчи бикрлик параметрларига эга бўлган аррали цилиндр конструкцияси ва ҳисобий схемаларидан иборат.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда назарий механика ва материаллар қаршилиги, ўлчов ва ўхшашлик назарияси, эҳтимоллар назарияси, математик таҳлил ва математик статистика ва ҳамда дифференциал геометрия усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Аррали жин машиналарида арра ва қистирмалар пакетининг мустаҳкамлигини таъминлаш учун тайёрланган конструкцияда қурилма ишлаб чиқилган ҳамда бўйлама сиқувчи куч пакет ҳолатига келтирилган ясси дискларнинг биргаликда ишлаш ҳолати ва мувозанат шарти ишлаб чиқилган;

пахта тозалаш корхонасидаги аррали жин масинасининг цилиндр пакетини енгиллаштириш орқали эгилиш бикрлигига кўп таъсир қилувчи дисклар ва улар орасидаги ишқаланиш кучлари ҳамда деформацияланиши назарий тадқиқ қилинган;

аррали цилиндр пакети эгилиш бикрлигига бир қатор конструкцион ва эксплуатацион факторларнинг таъсири натижасида тахламли ишчи

органларнинг ясси элементлари тўпламининг сиқилиши натижасида эгилиш ҳолатини ўрганиш аналитик усули ишлаб чиқилган;

аррали цилиндрининг арра ва қистирмалари тахламини сиқишда янги қурилмани қўллаш орқали сиқувчи кучини оширилгани натижасида толани ажратиш, толанинг сифатини яхшилаш исботланган ҳамда цилиндр тахламининг эгилишга бикрлик қийматининг босим кучига таъсирининг экспериментал боғлиқликлари олинган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

аррали цилиндрларнинг элементларини енгиллаштириш орқали унинг конструкцияси такомиллаштирилган, аррали цилиндрни эгилишга бикрлиги, элементлар қалинлиги, улар орасидаги ишқаланиш кучи катталигининг умумий функциялари олинган;

арра ва қистирмалар тахламининг сиқиш кучини фақат валнинг чўзилишдаги мустаҳкамлик чегараси билан чекланган қийматгача ошириш ва сиқиш кучини юқори аниқлик билан бошқариш имконини берувчи арра цилиндрларини йиғиш усули ва мосламаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертацияда баён қилинган илмий қоидалар, принциплар, хулосалар ва тавсияларнинг изчиллиги, назарий ва экспериментал тадқиқотлар натижалари, синов ва татбиқ этишнинг ижобий натижалари, шунингдек натижаларни таққослаш, назарий ва экспериментал қийматларнинг мувофиқлиги билан тасдиқланган тахламли ишчи органларининг бикрлик параметрларининг баҳолаш мезонларига мувофиқлиги, ижобий натижалар тадқиқотлари ва кўриб чиқиладиган предмет соҳаси маълумотларининг қиёсий таҳлили, таклиф қилинадиган конструкция «Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари» уюшмаси, «Косонсой пахта тозалаш» корхонасида ва Наманган муҳадислик-технология институти ўқув жараёнига тадбиқ қилингани билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти: тахламли ишчи органларининг бикрлик параметрларини физикавий ва геометрик параметрлар - тахламнинг сиқиш кучи ва дискларнинг контакт юзларининг радиуснинг функциялари сифатида аниқлаш учун илмий асосланган усуллар ишлаб чиқилганлиги; бикрлик параметрлари қийматларига конструктив ва эксплуатацион омилларнинг таъсири ўрганилганлиги; ўлчов ва ўхшашлик назариясидан фойдаланган ҳолда бикрлик параметрларининг қийматларини аниқлаш имконияти кўрсатилганлиги; арра цилиндрларини йиғиш усули ва мосламаси ишлаб чиқилган бўлиб, у арра ва қистирмалар тахламининг сиқиш кучини фақат валнинг чўзилишдаги мустаҳкамлик чегараси билан чекланган қийматгача ошириш ва сиқиш кучини юқори аниқлик билан бошқариш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти, тахламли ишчи органларнинг ясси элементлари тўпламининг эгилишга ишлашини аналитик ўрганиш учун усул ишлаб чиқилганлиги; аррали цилиндр тахламининг эгилишга бикрлик қийматининг босим кучига график ва жадвал шаклида экспериментал боғлиқликлари олинганлиги; аррали цилиндрнинг арра ва қистирмалари

тахламини сиқиш кучини оширишни толани ажратиш ва толанинг сифатини яхшилашнинг технологик жараёнга ижобий таъсирини экспериментал тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Пахта тозалаш корхоналаридаги жин машинасининг аррали цилиндрларнинг такомиллаштирилган конструкциясини ишлаб чиқиш параметрлари ва иш режимларини асослаш бўйича олинган натижалар асосида:

пахта тозалаш корхоналари учун таклиф қилинган аррали цилиндрнинг енгиллаштирилган варианты «Наманган пахта текс» М.Ч.Ж. қошидаги «Косонсой пахта тозалаш» корхонасига («Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари» уюшмасининг №03/12-254 22.10.2021 йилдаги маълумотномаси) тадбиқ қилинган;

янги таклиф этилган, модернизациялашган аррали цилиндрда толадаги нуқсонли аралашмалар йиғиндиси миқдори ўртача 0,4% га камайишига, чигитларнинг механик шикастланиши 0,4% га камайишига, чигитларнинг туклилиги 0,3%га камайишига ҳамда тола чиқиши 0.2% га кўпайишига имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларини апробацияси. Тадқиқот натижалари 18 та илмий-техникавий конференцияларда, булардан 11 халқаро конференцияларда, 7 республика конференцияларда муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларини эълон қилиниши. Диссертация иши мавзуси бўйича 31 та илмий иш чоп қилинган, улардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 12 илмий мақола, шу жумладан 8 та мақола республика ва 4 та мақола хорижий журналларда чоп этилган, ҳамда ЎзР ИМАнинг 1та ЭХМ дастури учун гувоҳномаси олинган, 3та фойдали моделга талабнома расмийлаштирилган ва 1та монография чоп этилган.


Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, 4та боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурияти, тадқиқот мавзусининг республикада фан ва техника тараққиётининг устувор йўналишлари билан мослигини, муаммони ўрганилганлик даражасига ва республикада ва хорижий олимларнинг қўшган ҳиссаларига баҳо берилган, Наманган муҳандислик-технология институти олимларининг илмий-тадқиқотлари билан диссертация мавзусининг алоқадорлигига урғу берилган, тадқиқотнинг мақсади баён қилинган, натижага эришиш учун тадқиқот вазифалари аниқланган, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, назарий ва амалий тадқиқотлар усуллари танланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва тажриба натижаларига баҳо берилган, олинган натижаларни ишончлилиги кўрсатиб ўтилган, тадқиқотнинг илмий ва амалий натижалари аҳамияти очиб берилган, тадқиқотлар натижаларини тадбиқ қилиш, апробация ва чоп

этишларнинг бажарилишига ва ҳамда диссертация тузилиши ва ҳажми тўғрисида маълумот берилган.

Диссертациянинг «Тадқиқот объекти, адабиётлар маълумоти, пахта тозалаш машиналари тахламли ишчи органлари механик параметрларини тадқиқ қилиш ва вазифани қўйилиши» биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича илмий тадқиқотларнинг аналитик обзори бажарилган. Бу ерда тахламли конструкцияларни техникада қўлланиши борасидаги илмий изланишлар қўриб чиқилган. Функционал мақсадларига кўра улар тутиб турувчи конструкциялар сифатида қўлланиладиган тахламли конструкцияларга ва ишчи органлар сифатида қўлланиладиган тахламли конструкцияларга бўлинади. Иккала гуруҳдаги тахламли конструкциялар вазифаларига кўра куч факторлари қўлланилмайдиган ва турли ҳилдаги куч факторлари қўлланиладиган тахламли конструкцияларга бўлинади. Тахламли конструкцияларда куч факторлари кўп ҳолларда бикрликни ошириш ва бикр фазовий конструкцияни яратиш мақсадида қўлланилади, масалан аррали ишчи органлар. Кўп ҳажмдаги илмий ишлар аррали ишчи органларнинг бикрлик параметрларини тадқиқ қилиш муаммоларига бағишланганлиги маълум бўлди.



1 – расм. Аррали жин цилиндри

1 - арра вали, 2 - аррали диск, 3 - арралар аро қистирмалар, 4 - торец шайбалар, 5- қисувчи гайкалар

Ушбу ишчи органларнинг энг кўп тарқалган вакилларига муҳим умумий конструктив хусусиятларга эга бўлган турли конструкциядаги аррали цилиндрлар киради. Назарий ва амалий тадқиқотлар шуни кўрсатадики уларни ўрганиш давомида олинган натижалар маълум даражада амалда қўлланиладиган бошқа барча тахламли ишчи органларга тегишли.

1-расмда жин аррали цилиндрининг конструктив қурилмаси берилган. Валнинг ишчи узунлиги марказида икки томонидан аррали дисклар ўрнатилувчи шайба ўтказилиши мумкин. Арралар валда айланиб кетишини олдини олиш учун вал узунлиги бўйлаб ўйиб очилган ариқчага (канавка) кириб турувчи тилчалар билан жиҳозланган.

Жин аррали цилиндри ўз оғирлиги ва технологик юклама таъсирида тортиш кучи меъёр даражасида бўлганида эгилиши 1,6 ммни ташкил қилади. Валнинг ўз оғирлиги таъсирида эгилиши 0,3-0,4 ммгача ва арранинг айланишдаги торец бўйича уруши 0,15 ммдан кўп бўлмаслиги керак, акс ҳолда арранинг колосниклар орасидаги тирқишдаги ҳолати ўзгариб арра тишлари колосниклар аро толаларни олиб ўтаётганда толаларни шикастланишига олиб келади. Ўтказилган таҳлиллар аррали ишчи

органларни эгилишдаги бикрлик параметрларини аниқлашни бир неча вариантлари борлигини кўрсатди:

1. Аррали ишчи органларнинг тахлами ва қистирмаларнинг эгилишдаги бикрлигини шундай ўлчам ва материалдан бўлган яхлит органга тенглаштириб, бундай тахламли ишчи орган бикрлиги валнинг бикрлиги ва яхлит жисм деб қаралаётган ишчи органлар ва улар орасидаги қистирмалар бикрликлари йиғиндисига тенг бўлади.

2. Арралар ва арраларо қистирмалар бикрликларини эътиборга олмаслик яъни тахламли ишчи орган бикрлиги валнинг бикрлигига тенг деб олинади.

3. График ва эмперик боғланишларни аниқлашда жин аррали цилиндри сиқиш кучи катталиги ва унинг эгилиш бикрлиги орасидаги ўрнатилган боғлиқликни назарий асосламай ёндашиш.

4. Тахламли конструкцияни сиқилиш кучланишини худди шундай материал ва шаклга эга бўлган яхлит стерженни икки баробар ўқ бўйича чўзилишига тенглаштириб олишдан иборат.

5. Вал ва тахламли конструкция умумий эгилиш ўқиға эға деб олишдан ва у қуйидаги муносабатларға эға:

$$M = M_b + M_n \text{ ва } \lambda = \frac{M_b}{EJ} = \frac{M_n}{E_n J_n}$$


Бу ерда: M - ташқи эғувчи момент; M_b, M_n – вал ва тахлам ички бикрлик кучлари моменти; λ – аррали вал эгилган ўқи эғрилиги; EJ и $E_n J_n$ - вал ва пакетнинг эгилиш бикрликлари.

Иккала нисбатни кўриб чиқиб қуйидаги нисбатни олинади

$$\lambda = \frac{M}{EJ + E_n J_n} = \frac{M}{EJ_{np}} \quad J_{np} = J + J_n \frac{E_n}{E} \quad (1)$$

Бунда J_{np} - Вал эгилувчанлик модулиға келтирилган аррали цилиндр кўндаланг кесим инерция моменти

Иккинчи бобда «**Арра ишчи органларини эгилишдаги бикрлигини назарий аниқлаш асослари**» бобида пахта тозалаш машиналарида аррали ишчи органларни кўллаш ва уларға қўйиладиган асосий талаблар тўғрисидаги маълумотлар таҳлил қилинган. Жин, толатозалағич, линтер ва делинтер цилиндрлари кўриб чиқилди. 2– расмда аррали ишчи органларнинг умумлашган кўриниши ва таъсир қилиши мумкин бўлган ташқи кучланишлар келтирилган.




2–расм. Аррали ишчи органларнинг умумлашган кўриниши.

Ўтказилган таҳлиллар бикрлик параметрлари ишчи органлар, тутиб турувчи конструкциялар, машина ва механизмларнинг детал ва элементларининг ўз технологик вазифаларини бажара олишини тавсифловчи муҳим механик параметр эканлигини кўрсатди. Аррали ишчи органларнинг бикрлик кўрсаткичлари интеграл кўрсаткич бўлиб, материалларнинг геометрик ва физик табиатини, яъни геометрик шакллари, ўлчамлари ва механик параметрларини умумлаштирувчи ҳисобланади.

Уларнинг сиқишдаги кучланиши барча бўйлама таъсир қилаётган куч факторлари тенг таъсир қилувчи, тахламга таъсир қилаётган ва тахламнинг бўйлама тўғри чизиқли ўқи ёки тахламни деформациясида эгилган эгри чизиғига уринма бўйича йўналган деб қараймиз. Ясси элементларнинг қалинлиги l , тахламли стерженниг бўйлама ва кўндаланг ўлчамлари H ва L дан бир неча баробар кичик ҳисобланади. Бундай пакет жавоб бериши керак бўлган асосий талаб – конструкцияни ҳудди бир бутун, яхлит тана сифатида ишлашини таъминлай оладиган сиқиш кучидир. Пакетнинг барча элементлари Гук қонунига бўй сўнувчи ҳар қандай материалдан тайёрланиши мумкин. Бўйлама сиқиш кучланишлари конструктив жиҳатдан марказда жойлашган вал орқали бевосита етказилиши мумкин. Маълумки, аррали ишчи органнинг эгилишга бикрлиги валнинг ва ясси элементлар пакети эгилиш бикрликлари йиғиндисига тенг. Валнинг эгилишга бикрлиги маълум усул билан аниқланади, қўйилган вазифани ҳал қилиш учун ясси элементлар пакети эгилиш бикрлигини аниқлаш етарли бўлади.

Бу ерда қуйидаги тушунчалар киритилган: пакетли стержен, пакетли ишчи орган, эгилувчан пакетли стержен, эгилувчан пакетли ишчи орган ва яхлит пакетли стержен ва сиқувчи элементнинг идеал эгилувчанлиги, пакет элементларининг абсолют қаттиқлиги, қалинликни кичиклиги, кўчишларни фақат вертикал бўйича чизиқли ва бурчакли кўчишларсиз ва ясси дисксимон элементларни симметрик юзасига кучларнинг қуйилиши тўғрисида эҳтимоллар қабул қилинди. 3–расмда қайишқоқ ипнинг кўндаланг юкланишларни қабул қилиши келтирилган.



3 – Расм. Қайишқоқ ипнинг кўндаланг юкланишни қабул қилиши бўйича ишлаши.

N - ипни чўзувчи кучланиш, Q ва H - унинг вертикал ва горизонтал ташкил қилувчиси, q ва h - тақсимланган ташкил қилувчиси.

4-расмда сиқувчи кучланиш бўлмаганда ясси дисксимон элементлар пакетининг ишлаши келтирилган.



4 - расмда Сиқувчи кучланиш бўлмаганда ясси дисксимон элементлар пакетининг ишлаши

Иккала кўриниш бўйича олиб борилган тадқиқотлар қуйидагиларни берди.

1. Мувозанатлаш шартларининг барча параметрлари ўқ бўйлаб чўзувчи куч N га боғлиқ ва ип материалининг физик хусусиятларига, ипнинг кўндаланг кесими геометрик ўлчамлари ва узунлигига боғлиқ эмас. Ипнинг чўзилиш кучи катталиги, бўйлама бикрлик билан худди шундай метрик ўлчамга эга бўлган - кучни ипнинг бикрлиги ип динамикасининг барча тенгламаларида аниқлайди.


2. Пакет ясси элементлари аро сиқиш кучланиши бўлмаганида эгувчи кучланишни ўтказмаслиги мумкин, аммо тортувчи ипнинг борлиги ҳисобига кўндаланг куч факторларини қабул қилиши мумкин.

Ҳамда яхлит стерженни эгилишга ишлаш шартларини тадқиқот қилинганда қуйидаги ифода олинди

$$C = EJ = \frac{MR}{\varepsilon_{\max}} \quad (2)$$

Бу ердан, шу маълум бўладики яхлит доирасимон стерженнинг эгилишга бикрлиги C ни ички кучларнинг реактив эгувчи моменти M қийматларини, ташқи эгувчи моментни стержен кўндаланг кесими радиуси R га тенглаштирувчи, нейтрал ўқдан R масофага ортда қолувчи стерженнинг энг чекка толаларини деформацияси қиймати ε_{max} га кўпайтмаси кўринишида берилиши мумкин.


Аррали ишчи орган пакетининг алоҳида юпқа ясси элементининг мувозанат шартлари таҳлили ўтқазилди. (5– расм). Бунда M – ташқи эгувчи момент, θ – ипнинг кўндаланг кесими буралиш бурчаги, N_l ва N_n - ипнинг ўнг ва чап томондан тортилиш кучи, бу ишда бу ерда ва келгусида ∂v , ∂z , ∂w – X, Y, Z . тегишлича ўқлар бўйича орторма.



5– расм. Алоҳида ясси элементнинг мувозанат шарти

Тадқиқот давомида кўндаланг кесим буралиш бурчаги $\partial v/\partial z$ нинг ва бўйлама деформация $\partial w/\partial z$ ларнинг ўзаро боғлиқлигини инобатга олган ҳолда (6–расм) пакетнинг бикрлиги қуйидаги ифодага келди:

$$C = 2NR^2 \quad (3)$$



6– расм. Кўндаланг ва бурчак дефорцияларнинг ўзаро боғлиқлиги.

Шундай қилиб, аррали ишчи орган пакети эгилиш бикрлиги биринчи тахминда эгилувчан ипнинг чўзилиш кучланиши номинал кучланишдан икки

баробар кўп ёки ясси элементлар сиқиш кучланиши уларнинг контакт юзаларидаги энг чекка нуқтасигача эгилаётган аррали ишчи органининг ботиқ томонида қайишқоқ ипнинг геометрик ўқиғача бўлган масофа квадрати сифатида аниқланиши мумкин.


Учинчи боб «**Аррали ишчи органларнинг эгилиш бикрликларига конструкцион ва эксплуатацион факторларнинг таъсирини ўрганиш**» деб номланиб, аррали ишчи органларнинг эгилиш бикрликларини аниқроқ ифодалашга бағишланган.

Юқорида келтирилган (3) аналитик ифода ясси элементлар қалинлиги ва улар орасидаги ишқаланиш кучи, валнинг эгилишида сиқувчи элементнинг кўшимча кўндаланг деформациялари таъсирини инобатга олмаган ҳолда олинган. Алоҳида дисксимон ясси элементнинг юқорида санаб ўтилган факторларини ҳисобга олган ҳолдаги кўриниши 7-расмда келтирилган. Ўтказилган куч таҳлили қуйидаги натижани беради:

$$C = E_b J_b + 2(1 + \lambda_c)(N + \lambda_q EF)R^2 \quad (4)$$

Ясси элементлар қалинлиги ва улар орасидаги ишқаланиш кучи λ_c таъсирининг умумий функцияси қабул қилинган, ясси элементлар қалинлиги таъсири функцияси λ_l , ясси элементлар аро ишқаланиш кучи таъсири функцияси λ_t дан иборат бўлган ва қуйидаги кўринишда аниқланади:

$$\lambda_c = \lambda_l + \lambda_t = \frac{l}{2R\left(\frac{dv}{dz}\right)} + \frac{kl}{R^2 + \left(\frac{dv}{dz}\right)^2} \quad (5)$$



7-расм. Алоҳида дисксимон ясси элементнинг қалинлиги ва ишқаланиш кучини ҳисобга олган ҳолдаги мувозанати кўриниши.

l - ясси элемент қалинлиги; N_A ва N_n – қайишқоқ элементнинг ўнг ва чап томонларидан ипнинг тортилиш кучи; S - N кучланишнинг ташкил қилувчиси;

$GA - N_n$ кучланиш елкаси; P – ишқаланиш кучи; EF – қайишқоқ ипнинг кўндаланг бикрлиги.

Шу билан биргаликда сиқувчи элементнинг бўйлама деформациясининг таъсирини ўрганиш якуний натижани қуйидаги кўринишга олиб келди:

$$C = 2(1 + \lambda_l + \lambda_T)(N + \lambda_q EF)R^2 \quad (6)$$


Бунда E_b – Вал материали қайишқоқлик модули;
 J_b - Вал кўндаланг кесими юзаси ўқ бўйича инерция моменти

Бу ерда, аррали цилиндрларнинг эгилишида сиқувчи элементнинг бўйлама кўшимча дтформацияси функцияси таъсири киритилган:

$$\lambda_q = \frac{1}{2} \left(\frac{dv}{dz} \right)^2 \quad (7)$$

Шундай қилиб, тадқиқотлар натижасида аррали цилиндрнинг эгилишдаги бикрлиги арра ва қистирмалар пакети сиқилишига мураккаб ва кучли боғлиқлик мавжудлиги аниқланди. Бу арра ва қистирмалар пакетини сиқиш кучини ошириш йўли орқали аррали цилиндрни эгилиш бикрлигини ошириш имкони борлигини кўрсатади.

Бу бобда, шунингдек, арра цилиндрининг элементларини енгиллаштириш орқали унинг конструкциясини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг масса инерция моментларининг қийматларини камайтириш масаласи кўриб чиқилди. Енгиллаштириш вариантларидан бири валда бўшлиқ ҳосил қилишдан иборат. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, валнинг узунлиги бўйлаб замбарак пармаси ёрдамида тешик очиш орқали, буни бажариш имконини берар экан. Валда $d = 40 \text{ mm}$ бўйлама тешик очиш валнинг оғирлик кучини 1559 H дан $Q = \pi r^2 l \gamma = 232 \text{ H}$ камайтириш имконини беради. Бунда валнинг кўндаланг кесими инерция моменти $J_{yo} = \frac{\pi d^4}{64} = 1,256 \cdot 10^5 \text{ mm}^4$ га камаяди. Енгиллаштиришнинг бошқа варианты арра дисклари юзасида диаметри 20 мм бўлган, арралар аро қистирмалар контакт ҳалқалари орасига мос келувчи ўлчамда тешиклар очишдан иборат (8-расм).



8-расм. Енгиллаштирилган аррали дискнинг схематик кўриниши.


d – арра диски диаметри; t – аррали диск қалинлиги; 1 – аррали диск;
2 – тешик.

Арра дискларида тешиклар очилиши натижасида оғирлиги (масса) амалда: ДП-130 жинида - $50 H$ (4,993кг); га камайишига эришилди.

Шундай қилиб, аррали жин конструкцияси цилиндрини такомиллаштириш унинг элементларини енгиллатиш йўли билан массани кўпроқ камайтириш ва вал кўндаланг кесим юзаси инерция моментини нисбатан озроқ камайишига, ДП-130 жининг валини ўз оғирлиги кучи таъсири остида вал марказида эгилишни $0,450\text{ мт}$ дан $0,406\text{ мт}$ гача, яъни $0,044\text{ мт}$ га камайтириш имконини беради, бу эса технологик нуқтаи назардан яхши натижа ҳисобланади.

Бундан ташқари, аррали жин цилиндри элементларини енгиллаштириш, уларнинг масса инерция моментларини камайиши билан бирга кечади, жин электр юритмаси истеъмол қилаётган қувватни сезиларли камайишини таъминлайди. Аррали жин цилиндри дисклари массасининг доирасимон тешиклар тешиш натижасида диск инерция моментини миқдори камайиши уларнинг нисбатан катта бўлмаган ўлчамларини инобатга олган ҳолда, амалда аррали цилиндр геометрик маркази ва тешиклар геометрик марказлари орасидаги масофани квадратига кесиб олинган бўлаклар массаси кўпайтмаси кўринишида ёзиш мумкин. Аррали жин цилиндрлари дискларининг масса инерция моментини ҳисобий камайиши: ДП-130 жинида - 211 кгсм^2 ни ташкил қилди.

«Аррали цилиндрларни эгилиш бикрликларини амалий тадқиқ қилиш» деб номланувчи тўртинчи бобда юқорида олинган назарий ҳолатни амалий текшириш ва амалиётда қўллаш бўйича маълумотлар келтирилган.




9 – расм. Махсус тажриба-синов стени кўриниши

1 – червякли редуктор, 2-юритма, 3- кистирма, 4- арра, 5- вал, 6-қўзғалмас рама.


Тадқиқот ишлари, ДП-80 аррали жиннинг пакетли аррали цилиндри ўрнатилган махсус тажриба-синов стендида ўтказилди (9-расм). Бу ерда қуйидагилар бажарилди:

1. Жин аррали цилиндри пакетининг эгилишга бикрлиги сиқиш кучланишига боғлиқлиги тажрибавий аниқлаш (иловада келтирилган). Тажриба натижалари 10 – расмда график кўринишида берилган.



10 – расм. Пакетнинг эгилиш бикрлигининг сиқиш кучи N турли эгувчи юкланишлар M га боғлиқлиги графиги.

2. Диск қалинлиги ва улар орасидаги ишқаланиш кучининг ва жин аррали цилиндрларини эгилишида валларнинг қўшимча кўндаланг деформациясини эгилиш бикрлигига таъсир функцияси миқдорини амалий аниқлаш (11-расм).




11-расм. Таъсир қилиш йиғинди функциясини λ_c эгувчи юкланишлар M турлича бўлганда пакетни сиқиш кучи N га боғлиқлиги графиги.

Дисксимон элементлар пакети сиқилиш кучига аррали цилиндрларни эгилиш бикрлиги боғлиқлик функциясини аниқлаш учун қабул қилинган

услугба биноан икки тенгламадан иборат тенгламалар системасини қабул қилинган:

$$\begin{cases} 2(1 + \lambda_{cij})(N_{(i-1)j} + \lambda_{qij} E_b F_b) R^2 = C_{(i-1)j}^* \\ 2(1 + \lambda_{cij})(N_{ij} + \lambda_{qij} E_b F_b) R^2 = C_{ij}^* \end{cases} \quad (8)$$



12 –расм. Турли хил эгувчи юкланишлар M да таъсир қилиш функцияси λ_q ни пакетни сиқиш кучи N га боғлиқлиги графиги.

Бундай тенгламалар жуфтлиги λ_{cij} ва λ_{qij} функцияларнинг биттадан катталигини аниқлаш имконини беради. Бажарилган ҳисоблар натижалари бўйича эгилиш бикрлигига пакет сиқиш кучланиши катталигига боғлиқлик функциялари графиги қурилган. 11 ва 12 расмлар.

3. ДП-80 жинининг аррали цилиндри билан олиб борилган тажрибалар натижалари асосида ДП 130 жини аррали цилиндри эгилиш бикрлигини амалий аниқлаш.

ДП 130 жини аррали цилиндри конструктив жиҳатдан ДП-80 жинни аррали цилиндри билан бир хил ва қуйидаги параметрлари билан ажралиб туради:

1. Арралар сони 80 тадан 130 тагача кўпайтирилган;
2. Арра ва қистирмалар қалинлиги ва ташқи диаметрлари ўзгармаган;
3. Вал диаметри 61,8 дан 100 ммгача оширилган;
4. Вал узунлиги 1750 ммдан 2840 ммгача оширилган.

ДП 130 жини аррали цилиндри бикрлик параметрларини аниқлаш учун ДП-80 жинни аррали цилиндрининг аниқланган параметрлари асосида ўхшашлик ва ўлчамдошлик усулидан фойдаланилган.

Чунки, бунда вал материали ўзгармагани сабабли унинг эгилиш бикрлиги $(100/61,8)^4 = 6,856$ мартагача кўпаяди.

Арра диски материали, қалинлиги ва ташқи диаметри ўзгармас бўлганлиги сабабли ДП 130 жини арра ва қистирмалар пакети эгилиш бикрлиги ДП-80 жини пакети бикрлиги билан айнан бир хил ва 4.2-расмда келтирилган график бўйича аниқланади. Унда аррали цилиндрнинг эгилиш

бикрлиги валнинг оширилган бикрлиги ва ДП-80 жини пакети ўзгарувчан бикрлиги йиғиндисига тенг бўлади.

$$C = E_b J_b + 2(1 + \lambda_c)(N + \lambda_q EF)R^2 \quad (9)$$

4. Аррали жин цилиндри дисklarини енгиллаштиришни тола ажратиш технологик жараёни характерига таъсирини аниқлаш бўйича тадқиқот.

5. Аррали цилиндр масса инерция моментини камайишининг жин электр энергияси истеъмоли камайишига таъсирини аниқлаш бўйича тажриба.

ХУЛОСА

1. Замонавий техника билан биргаликда пахта тозалаш машиналарида таркибли конструкцияларни қўллаш борасидаги тадқиқотлар таҳлили ўтказилди.

2. Пахта тозалаш машиналарининг тахламли ишчи органларининг механик параметрлари билан биргаликда эгилиш бикрликлари масалаларини назарий ва амалий тадқиқ қилиш долзарблиги аниқланди.

3. Оддий балка ва пахта тозалаш машиналари таркибли ишчи органлари арра ва қистирмалардан иборат тахламининг эгилишга ишлашини таққосий тадқиқоти ўтказилди.

4. Эгилувчан тахламли стержен (ЭТС) – ясси элементлар тахлами эгилиш бикрлигини аниқлаш учун назарий куч таҳлили асосида физик ва геометрик параметрлар – тахламни сиқиш кучи ва тахлам элементлари кўндаланг ўлчамларидан келиб чиққан ҳолда аналитик тенглама олинди.

5. Назарий тадқиқотлар орқали асосий конструктив факторлар – диск элементлари қалинлиги ва улар орасидаги ишқаланиш кучи λ_c ни (ЭТС) эгилиш бикрлигига таъсирининг йиғинди функцияси аналитик кўриниши ва мавжудлиги аниқланди.

6. Асосий эксплуатацион фактор – боғловчи элементнинг эгилишида ҳосил бўлувчи λ_q қўшимча бўйлама деформациялар назарий тадқиқотлар орқали (ЭТС) эгилиш бикрлигига таъсирининг функцияси аналитик кўриниши ва мавжудлиги аниқланди.

7. Илк бор ЭТС ва тахламли ишчи органларни эгилишга бикрлигини аниқлашнинг ҳисоб-аналитик усули ишлаб чиқилди, тадқиқ қилинди ва амалий қўллаш учун тавсия этилди, жин ва линтерлар аррали цилиндрларида қўллаш учун параметрлари тажрибавий аниқланди.

8. Цилиндрларнинг эгилишга бикрлигини тажрибавий тадқиқ қилишнинг умумий методикаси ишлаб чиқилди, ишчи органлар вакили сифатида аррали жин цилиндри кўринишидаги универсал стенд конструкцияси ишлаб чиқилди ва тайёрланди.

9. Аррали жин цилиндрини эгилиш бикрлигини арра ва қистирмалар тахлами сиқиш кучланиши катталигига боғлиқлиги амалий тадқиқ қилинди ва жадвал ҳамда график кўринишидаги натижалари олинди.

10. Аррали жин цилиндри арра ва қистирмалар тахлами элементлари қалинлиги ва улар орасидаги ишқаланиш кучининг эгилишга бикрлик λ_q

йиғинди функцияси таъсирига боғлиқлиги амалий тадқиқ қилинди ва жадвал ҳамда график кўринишидаги натижалари олинди.

11. Аррали цилиндр вали эгилганда қўшимча деформациялар эгилиш бикрлигига боғлиқлик функцияси таъсири амалий тадқиқ қилинди ва жадвал ҳамда график кўринишидаги натижалари олинди.

12. ДП-80 аррали жини цилиндрининг аниқланган эгилиш бикрлиги асосида ДП 130 аррали жини цилиндрининг эгилиш бикрлигини ўлчамдошлик ва ўхшашлик усули ёрдамида амалий аниқлаш имконияти аниқланди.

13. Таклиф этилаётган аррали жин ишлаб чиқариш синови қиёсий натижаларига кўра арра цилиндрининг оғирлигини камайтириш орқали тола чиқариши 0,2% ортиши, толадан ифлосиликлар миқдори 0,4% камайиши аниқланди. Бир пахта заводи учун иқтисодий самара 1246 минг сўмни ташкил қилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
(PHD).03/30.12.2019.Т.66.01 ПРИ НАМАНГАНСКОМ ИНЖЕНЕРНО-
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**НАМАНГАНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ**

АБДУВАХИДОВ МУТАХХИРХОН МУБОШИРОВИЧ

**ИССЛЕДОВАНИЕ ВОПРОСОВ ОПРЕДЕЛЕНИЯ ПАРАМЕТРОВ
ИЗГИБНОЙ ЖЕСТКОСТИ ПИЛЬНЫХ РАБОЧИХ ОРГАНОВ**

**05.02.03 – Технологические машины. Роботы, мехатроника и
робототехнические системы
АВТОРЕФЕРАТ**

диссертации доктора философии (phd) потехническим наукам

Наманган-2021год

Тема диссертации доктора философии (Doktor of Philosophy) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2019.4.PhD/T1435

Диссертация выполнена в Наманганском инженерно-технологическом институте.
Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещен в веб-сайте Научного совета Наманганского инженерно-технологического института (www.nammti.uz) и на Информационно-образовательном портале «ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: Мурадов Рустам Мурадович
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: Саримсаков Олимжон Шарипжанович
доктор технических наук, профессор

Бобоматов Абдугани Хусанович
PhD, доцент НамИСИ


Ведущая организация: Ферганский политехнический институт


Защита диссертации состоится «18» декабря 2021 г. 9⁰⁰ часов на заседании научного совета (PhD).03/30.12.2019.г.66.01 при Наманганском инженерно-технологическом институте по адресу: 160115, г.Наманган, ул. Касансайская – 7, Административное здание Наманганского инженерно-технологического института, 1 этаж, в малом зале заседаний тел. (+99869) 225-10-07, факс (+99869) 228-76-75, e-mail: niei_info@edu.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Наманганского инженерно-технологического института (диссертация зарегистрирована за № 429) Адрес: г.Наманган, ул.Касансайская - 7, тел. (+99869) 225-10-07.

Автореферат диссертации разослан «7» декабря 2021 года.
(реестр протокола рассылки № 54 от «18» декабря 2021 года).


Х.Т.Ахмедходжаев
Заместитель Председателя Научного Совета по
присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор


Х.Т.Бобожонов
Член секретариата Научного Совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., профессор


К.Холиков
Председатель научного семинара при Научного
Совета по присуждению ученых степеней, д.т.н.,
профессор.



ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире решение вопросов жесткости пильных цилиндрических органов особенно актуальны в хлопкоочистительной, текстильной и легкой промышленности, а применение передовых научных исследований и конструкторно-экспериментальных разработок является одним из ведущих. Учитывая, «во всем мире производится около 23,0 миллион тонн хлопкового волокна при потребности 24,6 миллион тонн»¹, что требует внедрения в практику машин извлекающих высококачественного волокна из собранного хлопка-сырца. В результате совершенствования оборудования и технологий хлопкоочистительных машин, которые широко используются при первичной переработке хлопка во всем мире, проводится обширная работа по повышению эффективности оборудования, повышению эффективности очистки хлопка, модернизации оборудования для улучшения качества волокна, семян и пуха. С этой точки зрения использование качественного и ресурсосберегающего технологий и технических устройств при производстве волокна актуально.

В мире проводится много научно-исследовательских работ по усовершенствованию техники и технологии первичной обработки хлопка, текстильной и легкой промышленности. Так как пильные джины являются основной технологической машиной хлопкоочистительных предприятий, при этом им уделяется наибольшее внимание. При этом основными направлениями научных исследований являются повышение эффективности работы пильного джина, в особенности повышение производительности машины, использование ресурсосберегающих технологий, совершенствование расчетов прочности и эксплуатационной надежности машины, внедрение в процесс проектирования IT-технологий. Уделяется особое внимание вопросам ресурсосбережения и охране окружающей среды, максимальному сохранению природных качеств волокна, снижению энергопотребления.

Повышение конкурентоспособности производимых технологических машин для хлопкоочистительных заводов в нашей республике за счет применения новых прогрессивных технологических процессов с использованием только соответствующего технологического оборудования, принимаются важные комплексные меры по проведению теоретических и практических исследований по разработке их конструкции в соответствии с новыми требованиями и достигаются определенные результаты. В Стратегии действий развития Республика Узбекистан на 2017-2021 годы поставлены важные задачи, в частности по «...повышению конкурентоспособности национальной экономики, уменьшению расходов энергии и ресурсов, широкому внедрению энергосберегающих технологий...»². В связи с

¹ Cotton: WorldStatistics. <https://www.statista.com>; <http://www.ICAC.org>.

² O'zbekisto Respublikasi Prezidentining 2017 uil 7 fevraldagi PF-4947-son "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi Farmoni.

поставленными задачами, одной из важных задач является, разработка новой конструкции пильных цилиндров хлопковых машин с возможностью теоретического определения при проектировании и регулирования при эксплуатации величин жесткостных параметров в процессе эксплуатации, а также снижения уровня вибрации и шума, при максимальном сохранении природных свойств волокна.

Настоящая диссертационная работа в определенной мере служит выполнению задач, поставленных в Указе Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 07.02.2017 года «Стратегия действий по пяти основным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы», Постановление Президента Республики Узбекистан №ПП-3408 от 28.11.2017 «О мерах по кардинальному совершенствованию системы управления хлопковой отраслью» и в Указе Президента Республики Узбекистан №УП-5989 от 05.05.2020 «О неотложных мерах по поддержке текстильной и швейно-трикотажной промышленности»

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Настоящее исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики по направлению: ПНТ-II. «Энергетика, энергия и ресурсосбережение».

Степень изученности проблемы.

За рубежом по совершенствованию конструкций рабочих органов пильного джина, повышению ресурсосбережения, производительности машины, прочности рабочих органов, привода и получения качественной продукции занимались E. Whitney (США), S.Z.Hall (США), T. Elliot (США), S.E.Hughs (США), R.N.Rakoff (США), A.V.Stanley (США), R.G.Hardin (США), P.A.Funk (США) и др.

В нашей республике многими учеными, такими как Р.Г.Махкамов, И.Т.Максудов, А.Е.Лугачев, М.Тиллаев, М.Агзамов, Б.М.Марданов, Н.З.Камолов, А.П.Парпиев, А.Х.Ахмедходжаев, А.Джураев, Р.Муродов, Р.Сулаймонов, О.Саримсаков, К.Собиров, И.Собиров, Ш.П.Алимухамедов, Д.Муҳаммадиев, С.З.Юнусов, а также другими учеными выполнены комплексные научные исследования по повышению производительности пильного джина, снабжению его ресурсосберегающими узлами, рабочими органами и снижению энергетических затрат в процессе эксплуатации пильных джинов.

Анализ проведенных исследований по пильным цилиндрам джинов показал, что исследования проводились в основном по технологии джинирования, по совершенствованию геометрии пильных дисков, колосника и рабочей камеры, а также параметров технологического процесса. Однако, вопросы совершенствования конструкции пильных цилиндров, определения и обоснования их жесткостных и прочностных параметров, а также надежности при эксплуатации на основе теоретических и экспериментальных исследований проведены недостаточно.

Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами высшего образовательного учреждения, где выполняется диссертация. Исследования диссертации проведены в рамках практического проекта И-2012-14 «Аррали жин таъминлашни ростлаш тизимини такомиллаштириш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш» согласно плана научно-исследовательских работ Наманганского инженерно-технологического института ии в рамках научно-исследовательского плана кафедры «Технологические машины и оборудование».

Цель исследования. Цель настоящей работы состоит из теоретического и экспериментального исследование методики определения изгибной жесткости пильных рабочих органов хлопковых машин расчетно-экспериментальным способом и влияния на них конструктивных и эксплуатационных факторов - наличие работающего на изгиб вала, толщины элементов и сил трения между ними, продольных деформаций стягивающего элемента пакета.

Задачи исследования:

исследование вопросов теоретического определения жесткости на изгиб пакета, образованного из пил и прокладок путем сжатия продольной осевой силой и работающего как монолитное тело. Теоретическое исследование расчетно-экспериментального определения изгибной жесткости пакета пил и прокладок пильного рабочего органа;

исследование вопросов влияния на изгибную жесткость пильных цилиндров, имеющих в своем составе пакеты пил и прокладок конструктивных и эксплуатационных факторов - наличие работающего на изгиб вала, толщины элементов и сил трения между ними, продольных деформаций стягивающего элемента;

исследование по определению функций влияния конструктивных и эксплуатационных факторов на параметры изгибной жесткости пильных цилиндров джина;

разработка практических рекомендаций по использованию результатов теоретических и экспериментальных исследований.

Объектом исследования является пильный цилиндр джина с повышенной изгибной жесткостью.

Предметом исследования являются методы и средства исследования жесткостных параметров пильных рабочих органов, конструктивные и расчетные схемы пильного цилиндра с регулируемыми жесткостными параметрами.

Методы исследования. В исследованиях использованы методы теоретической механики и сопротивления материалов, теории размерности и подобия, математической статистики, теории вероятностей, математического анализа и математической статистики, а также методы дифференциальной геометрии.

Научная новизна исследования заключается в следующем:

В пильных джинах было разработано устройство для обеспечения прочности пакет пил и прокладок, а также было разработано взаимодействие

и состояние равновесия плоских дисковых элементов, которые были преобразованы в пакет на продольное сжатие;

теоретически изучены силы трения и деформации дисков, а также трение между ними, которое значительно влияет на жесткость при изгибе за счет облегчения пакета пильного цилиндра джина на хлопкоочистительном заводе;

разработан аналитический метод исследования изгиба пакета плоских элементов рабочих органов в результате влияния ряда конструктивных и эксплуатационных факторов на изгибную жесткость пакета цилиндров пилы;

в результате увеличения силы сжатия за счет использования нового устройства для сжатия пильных дисков и прокладок цилиндра, было доказано улучшение качества, отделение волокна и получены экспериментальные зависимости значения продольного сжатия пакета пильного цилиндра на изгиб.

Практические результаты исследования:

за счет облегчения элементов цилиндров пилы усовершенствуется его конструкция, получены общие функции жесткости на изгиб цилиндра пилы, толщины элементов, величины силы трения между ними;

разработан способ и устройство сборки пильных цилиндров, позволяющее увеличение величины усилия сжатия пакета пил и прокладок величиной, ограниченной только прочностью на растяжение вала и регулирования величины усилия сжатия с большой точностью.

